

“Андижон минтақавий йўлларида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси билан “WILLPRINT” МЧЖўртасида ички йўллари жорий таъмирлаш ишлари бўйича тузилган

ШАРТНОМА № П-2022-295

Андижон шаҳри.

23 ноябрь 2022 йил.

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган “Андижон минтақавий йўлларида буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор Т.Мирзаев бир томондан, матнда кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган “WILLPRINT” МЧЖНизоми асосида иш кўрувчи раҳбари М.Мадрохамовикенчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “Пудратчи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ **Мархамат туман Янгиқоёт МФЙ Калмоқбулоқ кўчасинини** жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” ва “Пудратчи”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **217 125 214** (Икки юз ўн етти миллион бир юз йиғирма беш минг икки юз ўн тўрт сўм) ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг, тегишли Ғазначилик тивинидан (У ҳасб дастури) рўйхатдан ўтиб, маблаг Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисобига туширилгандан сўнг, 10 банк иш кунида **“Буюртмачи”** томонидан бажариладиган ишлар қийمатининг 30% пул маблағлари аванс тариқасида **“Пудратчи”**нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан **“Буюртмачи”**нинг махсус ҳисоб рақамига туширилгандан сўнг, **“Пудратчи”** томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида мазкур шартномага илова қилинган тўлов жадалига асосан ўтказиб беради.

2.4. **“Пудратчи”** томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилин-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар **“Буюртмачи”**га топширилиши шарт ҳисобланади. Кўрсатилган муддатда **“Пудратчи”** томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан **“Буюртмачи”** томонидан молиялаштирилиши масаласи қайта кўриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар **“Буюртмачи”** томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинган бажариладиган ишлар жадалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришадди ва иловалда кўрсатилган жадал асосида белгиланган ойларда ишларни кўрсатилган муддатларда бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда **“Буюртмачи”**га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш

материаллари ва уқунчаларининг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (тоқ хат)дан нусха тақдим этади.

3.3. **“Пудратчи”** мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун **“Буюртмачи”** олдига тўлиқ мулкнинг жавоб беради. **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”** олдига ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавоблар бўлади. **“Буюртмачи”** **“Пудратчи”** билан тузилган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. **“Пудратчи”** геология нуқталарда, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геология ишларида хатолар аниқланса, **“Пудратчи”** тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар бекретишдан (ёпилиб кетадиган) ишлар **“Буюртмачи”**нинг тасдиқланган бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича **“Пудратчи”** **“Буюртмачи”**нинг кўрсатмасига мувофиқ бекретиладиган ишларнинг ислаган қисмини ўз ҳисобидан очинишга, сўнгра унга тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача **“Пудратчи”** қурилиш монтаж ишларини бажарилиши юритиш дафтарини (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади. **“Пудратчи”** дафтар (журнал)да **“Буюртмачи”** томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда баргараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасолифий йўқ қилиниши ва шикастланишига **“Пудратчи”** тўлиқ жавоблар бўлади.

“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:

3.8. Бажариб берилмаган иш учун олинмаган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб берилган ишнинг қабул қилиб ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш. Бажариб берилган ишнинг қабул қилиб олиш асосида рақ тўлиниши натижасида етказилган зарарни қоплатишини талаб қилиш.

3.9. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари **“Пудратчи”** томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрм иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда икτισод қилинса, ушбу маблағни айрм харажатлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида **“Буюртмачи”**ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.10. **“Пудратчи”** зарур ҳолларда айрм иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараёнининг бузилмаганлигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.11. Бажарилиш ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик ҳато ва бошқа қамчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилиган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

3.12. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилиган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.13. Бажарилиган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширилгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

3.14. "Пудратчи" дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.15. Камчиликларни бевол баргараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғрирақлиши харажатларини қоплаётганини талаб қилиш.

3.16. "Пудратчи" дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиҳа ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.17. "Пудратчи" томонидан ишлатилмаган материаллар ва асбоб ускуналарини иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун дaвpи мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўқисиз танишни ҳуқуқига эгадир.

3.19. Агар "Пудратчи" шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни "Буюртмачи"га топширмаган тақдирда, "Буюртмачи" мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. "Пудратчи" объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун "Буюртмачи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5%и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50%дан ошмаслиги керак.

4.3. Анникланган камчилик ва нуқсонлар "Пудратчи" томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаса, "Буюртмачи" тўловларини тўхтатиб, лoзим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларининг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50% миқдордан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Ҳужалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИНГ АН КҮЧ (ФОРС МАЖОР) ҲОДАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига беvosита таъсир этса томонларнинг жавобгарликлдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2. "Пудратчи" нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шеркислари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, "пудратчи" да зарур маблағларнинг булмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқсан тақдирда "Буюртмачи" ва "Пудратчи" ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш қарорини мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома буйича юзга келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1 Шартнома томонлар имзолаб, худудий Газначилик тизимидан (Узасбo дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга киради.

7.2. Томонларнинг келишувига кўра ишларнинг топшириш муддати аванс олинган кундан бошлаб 30 кунни ташкил этади.

7.3 Ишларини бажариш буйича маблағ "Автомобиль йўллари ривожлантириш Андижон худудий максалди жамгармаси" томонидан "Буюртмачи"нинг махусе хисоб рақамига 2022 йил 31 декабрда қалар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.4 Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жикхатдан тенг кучга эга.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1 Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши куралиш буйича қоидаларга, шу жумлада амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимларига пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лoзим. Томонлар ушбу харақатларини олдини олиш буйича чoра-тадбирлар қабул қилишини кафолатлайди.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

"БУЮРТМАЧИ"

Андижон минтақавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси
Андижон ш. А.Иўлдошев кучаси 30-уй.
Тел/факс: 227-66-36 226-88-90
ш/х: 304521860032277045129118014
СТПР-304917491

ОКОНХ. 42110

Ўз. Р. Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: МБББ ХККМ

МФО 00014

Газначилик булиммаси СТИР 201Н22919

Директори:

Т. Мирзаяв

"ПУДРАТЧИ"

"WILLPRINT" МЧЖ

Тошкент вилояти Ангрён шаҳри
Чикризова 2 уй

Халқ банки Ангрён булими

х/р: 20208000704920591001

МФО: 00784

ИНН: 502 015 002

Директор:

М. Мадрохимов

Бош юрисконсулт:

З. Джаборкулов